



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 13 - oktabr

71-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Самарқанд шаҳар Қорасув маскани ҳудудида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига оилавий поликлиника биноси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 июндаги 94-сонли раёсат мажлисининг баёнига асосан Самарқанд вилояти 2021 йилги инвестиция дастурига киритилган Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига оилавий поликлиника қурилишини амалга ошириш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига Самарқанд шаҳар Қорасув маскани ҳудудида янги оилавий поликлиника биноси қурилиши учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,50

гектар ер майдони доимий фойдаланиш мақсадида ажратилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси (С.Зиядуллаев), вилоят Қурилиш Бош бошқармаси (Л.Хамидов), “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали (Ш.Илмуратов) ва вилоят Қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази (С.Гулямов) билан биргаликда мазкур объектларнинг белгиланган тартибда лойиҳаолди шаҳарсозлик ҳужжатларини ўз муддатида ишлаб чиқиб тасдиқланиши, экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдоларини ўтказиш чораларини кўрсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш Бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси (С.Зиядуллаев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Ҳ.Жабборов):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойқулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) Самарқанд шаҳар ҳокимлиги (Б.Облакулов) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда шаҳар ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартириш киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов